



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI
O'ZBEKISTON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

“ 17 ” Mart 20 21 y

Yaypan shahri 190 sonli

Ўзбекистон тумани Кичик Тағоб МФЙга қарашли Кичик Тағоб қишлоғи аҳолисига суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулашга ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақида

Такдим этилган хужжатларни кўриб чиқиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасига асосланиб:

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Қишлоқ хўжалигига оид бўлган бошқа эҳтиёжлар учун ер майдони танлаш ва ажратиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи Ўзбекистон туман комиссиясининг Кичик Тағоб МФЙга қарашли Кичик Тағоб қишлоғи аҳолисига суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулашга ер майдони танлаш ва ажратиш ҳақидаги 2021 йил 3-февральдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Ғ.Ғулом ММТП худудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг № 857к-контурдаги қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,04 (тўрт) гектардан иборат ер майдонидан Кичик Тағоб МФЙга қарашли Кичик Тағоб қишлоғи аҳолисига суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулашга ер майдони танлансин ва ажратиб берилсин.

3. Ғ.Ғулом ММТП худудида жойлашган ер майдонидан Кичик Тағоб МФЙга қарашли Кичик Тағоб қишлоғи аҳолисига суғориш қудуғини лойиҳалаш ва бурғулаш ишларини лойиҳалаштиришга лойиҳа олди хужжатларини “Архитектура-режалаштириш топшириқлари” олиш, қурилиш ишларни архитектура-қурилиш маъёрлари ва талабларига биноан тасдиқланган лойиҳа, экспертиза ва ДАҚН рухсатномаси асосида олиб бориш Кичик Тағоб МФЙ раиси А.Ғанибоевга топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ажратилган ер майдонидан 2 (икки) йил муддатда белгиланган мақсадда фойдаланишни бошламаса ушбу қарор бекор қилиниши Кичик Тағоб МФЙ раиси А.Ғанибоевга эслатиб ўтилсин.

5. Мазкур қарор Халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Сатторов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

Ш. Юлдашев